

Исломиддин ҲАЙДАРОВ,
«Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш
ЮНЕСКО» кафедраси таянч докторанти



МАСЖИДДАГИ ДИНИЙ РАМЗЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Глобаллашув шароитида бирор бир минтақада тоқатсизлик ва низоларнинг кучайиши дунёнинг барча ҳудудларига бирдек таҳдид солади. Зеро, сўнгги йилларда дунёда диний омил билан боғлиқ равишда турли йўналишлардаги жараёнлар авж олиб бормоқда. Кўп ҳолларда мураккаб ва зиддиятли, баъзида эса қонли тўқнашувлар билан кечаётган бундай воқеа-ҳодисалар турли дин вакиллари ўртасида тоқат, ҳурмат, эътибор ва умуман ҳамкорлик руҳидаги алоқаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш объектив тарихий зарурият эканлигини кўрсатмоқда. Айни дамда, кўпмиллатли, поликонфессионал Ўзбекистонда миллатлар ва динлараро бағрикенглик ҳамда тотувлик муҳитини бардавом сақлашда диншуносликка оид билимларнинг ўрни беқиёс. Муайян диний конфессия ҳақида тўлиқ тушунча ҳосил қилиш учун унинг тарихи, таълимоти, ибодатхонаси, муқаддас манбаси, диний

анъана, маросим, рамз ва атрибутларини ўрганиш муҳим саналади. Айниқса, эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан Республикада биринчи ўринда турувчи ислом динини ўрганиш, ундаги ибодатхонага оид семиотик белгиларни тадқиқ этиш муҳим саналади.

Машҳур инглиз файласуфи К.Доусон ҳақли тарзда таъкидлаганидек, «Дин тарих учун калитдир ва агар биз маданиятнинг диний илдизларини англамас эканмиз, маданиятнинг ўзини ҳам тушуна олмаймиз». Дарҳақиқат, ҳар қандай маданий тараққиёт замирида маълум бир диний ғояга бўлган эътиқод мавжуд. Фақат диний эътиқодларни англаш орқалигина цивилизациялар тараққиётини англаш мумкин. Чунончи, энг дастлабки маданият асарларининг аксарияти ҳам дин масалаларига бағишланган бўлиб, улар диний ғоялардан илҳомланган ҳолда яратилган. Қолаверса, дин адабиёт, санъат ва фалсафанинг ҳам илк сарчашмасидир.

Бугунги кунда семиотика диншунослик соҳасидаги тадқиқот усулларида бири сифатида шаклланиб келмоқда.

Семиотика рамзий мазмунга эга белгилар ҳақидаги фан сифатида XX асрда шаклланган бўлиб, семиотика атамаси илк бор америкалик файласуф Ч.С.Пирс томонидан 1860 йили қўлланилган. Бироқ, шуни айтиб ўтиш керакки, семи-

отика фанининг назарий қоидалари, тадқиқот усуллари ва воситалари дастлаб америкалик файласуф Чарльз Пирс томонидан қўлланилган бўлсада, у билан бир вақтнинг ўзида, бироқ мустақил равишда швейцариялик тилшунос Фердинанд де Соссюр ҳам семиотика соҳасини ривожлантирган. Фердинанд де Соссюр семиология атамасини фанга жорий қилган.

Диний семиотика деб динлардаги белги ва рамзларнинг мазмун-моҳиятини ўрганишга айтилади. Диний рамзларни тадқиқ этиш, уларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш диний таълимот, унинг ўзига хос хусусиятларини англаш имконини яратади.

Диний семиотикани икки: минтақавий ва умумий хусусиятга эга бўлган рамз ва белгиларга ажратиш мумкин.

Минтақавий хусусиятга эга бўлган рамзлар деб муайян дин доирасидаги маълум бир минтақаларда учрайдиган семиотик белгиларга айтилади.

Умумий хусусиятга эга бўлган белгилар деб деярли барча йўналиш ва оқимлар томонидан бирдек қабул қилинган рамзларга айтилади.


Жумладан, ушбу мақолада диний семиотиканинг юқоридаги икки хусусиятини ислом дини мисолида кўриб чиқилади.

Ислом (араб. – бўйсунуш, итоат этиш, ўзини Аллоҳ иродасига топшириш) – жаҳонда кенг тарқалган уч дин (буддавийлик ва христианлик)дан бири. У жаҳон динлари ичида энг ёши бўлиб, VII асрда Арабистон ярим оролида вужудга келган. Ислом тарихи бевосита унинг пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломнинг туғилишлари билан бошланади.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг туғилган йиллари борасида икки хил фикр бор. Ўрта Осиёда жадидчилик ҳаракатининг машҳур вакиллари билан бўлган, драматург, шоир, тилшунос ва адабиётшунос, тарихчи ва файласуф, санъатшунос ва жамоат арбоби ҳисобланган Абдурауф Фитрат ва Абдулла Авлоний, шарқшунос олима, тарих фанлари номзоди,

профессор Фарида Ацамба ва Светлана Криллина, «История ислама: от доисламской истории арабов до падения династии Аббасидов» асари муаллифи, немис олими Август Мюллер, рус олими, тарихчи, диншунос Леонид Васильев каби айрим олимларнинг фикрига кўра пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом 570 йилда, араб тарихчиси, «Сира» асари муаллифи Ибн Ҳишом, пайғамбар алайҳиссаломнинг сийратларига бағишланган «Ар-Раҳиқ ал-Махтум» китоби муаллифи, ҳинд тарихчиси, исломшунос олим Сафийюр-рахмон Муборакпурӣ, араб тарихчиси, «Нур-ул Яқин» асари муаллифи Муҳаммад Хузарӣ, тарихчи ўзбек олими «Тарихи Муҳаммадий» асари муаллифи Алихонтўра Соғунӣ ва замонамизнинг исломшунос олими «Ал-Мухтор фи сийратин-набиййил мухтор» асари муаллифи Абдул Азим Зиёуддин ўғли каби олимларнинг фикрига кўра пайғамбар алайҳиссалом 571 йили Макка шаҳрида туғилган. Ислом таълимотига кўра, Муҳаммад алайҳиссаломга пайғамбарлик вазифаси 40 ёшда, яъни, 610 йили юклатилади. Аллоҳнинг буйруғига биноан 3 йил махфӣй даъват қилдилар, кейин эса, 613 йилда Аллоҳ таоло Қуръоннинг «Ҳижр» сураси 94-оятини нозил қилди: **«Бас, Сиз ўзингизга буюрилган ишни (яъни, ҳақ динга даъватни) ошкора қилинг ва мушриклардан (ҳозирча) юз ўғиринг»**. Унга кўра пайғамбар алайҳиссаломга одамларни динга ошкора даъват қилиш вазифаси топширилган. 622 йили Муҳаммад алайҳиссалом Маккадан Мадинага ҳижрат қиладилар. 630 йилгача пайғамбар бошчилигида мусулмонлар маккалик мушрикларга қарши бир қатор ғазавотларда (Бадр, Уҳуд, Хандақ, Хайбар, Табук ва б.) иштирок этдилар. Уларнинг баъзисида мусулмонлар (Бадр, Хандақ, Хайбар), баъзисида мушриклар (Уҳуд) ғалаба қозониб, баъзида эса сулҳ (Худайбия сулҳи) тузилди. 630 йили мусулмонларга Макка жангсиз таслим бўлади ва бунинг натижасида пайғамбар бошчилигидаги илк ислом давлати пайдо бўлади.

632 йил Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар вафот этадилар.



Ислом динининг биринчи йилларида аввалига масжидлар бўлмаган. Пайғамбар алайҳиссалом намоз вақти кирганида қаерда бўлсалар ўша ерда намоз ўқир, саҳобаларга ҳам имомлик қилар эдилар. Ислом тарихидаги илк масжид Муҳаммад алайҳиссалом томонидан 622 йили Мадина шаҳри яқинидаги Кубо қишлоғида барпо этилган. Бу масжид ҳижрат асносида қурилган бўлиб, унга «Масжид ал-Кубо» номи берилган. Унинг қурилишида пайғамбар алайҳиссалом ўзлари иштирок этганлар. Масжиднинг асоси тошлардан, устки қисми эса хом ғиштдан қилиб қурилган. Кубо масжидида минбар бўлмаган.

Ислом тарихидаги иккинчи масжид «Масжидун набавий» (пайғамбар масжиди) номини олган. У икки етим боладан ўн динорга сотиб олинган ер устига хом ғиштдан қурилган. Масжиднинг узунлиги 4,536 смни, энига эса 3,888 смни ташкил этган. Кубо масжидида минбар бўлмагани каби унда ҳам минбар бўлмаган.

Юқоридаги икки масжид содда услубда қурилган бўлиб, уларда ҳеч қандай семиотик белги бўлмаган. Бундан кўриниб турибдики, семиотик белгилар исломда кейинчалик шаклланган.

Ислом динининг муқаддас манбаси Қуръони карим оятларида белги, рамз ва тимсол каби сўзлар учрайди. Бироқ, улар семиотик белги ёки рамз маъносида эмас, балки бошқа маънони ифодалаб келган. Масалан, «Оли Имрон» сураси 41-ояти қуйидагича келтирилган: «(У) деди: «Раббим, менга (ҳомиладан дарак берувчи) бирор белги бергин». (Аллоҳ) айтди: «Сенга белги шуки, уч кун имо-ишорадан ташқари одамларга гапира олмайсан. Раббинг зикрини кўп қил ва эртаю кеч тасбеҳ айт!».

Тимсол сўзи «Анбиё» сурасининг 52-оятида ҳайкал маъносида келган: **«Ўшанда (Иброҳим) отаси ва қавмига: «Сизлар доимо сиғинадиган бу ҳайкаллар нимадир?!» – деди»** ва бошқалар.

Бундан ташқари исломда ранглар ҳам диний рамз сифатида қўлланилганлигини кўриш мумкин. Ислом динининг тарқалиши жараёнида кўплаб жанглар ва ғазавотлар бўлган. Уларда ислом дини рамзи сифатида саҳобалар байроқ кўтарганликлари ҳақида маълумотлар келади. Тарихчиларнинг таъкидлашича, бу байроқда нима акс этирилганлиги маълум эмас, лекин унинг ранги ва ундаги ёзув борасида бир қанча қарашлар мавжуд. Масалан, кўпчилик олимлар томонидан жангларда кўтарилган байроқларнинг ранглари кўк ёки яшил рангда бўлганлиги таъкидланади. Кўк ранг тинчлик ва мусаффолик белгиси ҳисобланган. Яшил ранг эса табиат, тириклик рамзи ҳисобланган.

Исломий давлатларда рангларнинг рамзларга айланиши кенг тарқалган бўлиб, бунга қадимги Шарқ ва Ғарб маданиятининг таъсири катта бўлган. Ранглар кўп нарсаларни ифодаловчи рамз ва восита бўлган. Оқ ранг поклик ва маънавийлик белгисидир. Шунингдек, оқ ранг тинчлик, мусаффолик, поклик рамзи ҳам ҳисобланади.

Бугунги кунда масжид гумбазларининг ранги осмон рангида бўлиши тинчлик, мусаффолик рамзи ҳисобланади. Ислом оламида масжидларни дастлабки кўринишлари ҳақидаги ривоятларга кўра улар кичик бўлганлиги, гумбазсиз қурилгани баён этилади.

Сариқ ранг буюклик, омад, бойлик ва тантанани ифодалайди. Умар Хайём томонидан шифобахш ранг деб эътироф этилган ранг ҳисобланади.

Яшил ранг муқаддас ранглардан бири ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг белгилари деб билишган. Мулло Али Қорийнинг «Ал-ҳазар фи амрил Хозир» китобида келтирилишича, Хизр алайҳиссаломнинг Хизр деб номланишига

яшил ранг сабаб бўлган. У киши намоз ўқиганларида атрофи яшил бўлиб кетар экан. Яна унинг кийими яшил бўлган, дейилади.

Қора ранг ижобий сифатланмасада (қоронғулик, ёвузлик ва бошқа салбий сифатлар билан сифатлансада), ислом динида ўзгачадир. Каъбанинг қора рангда бўлганлиги ва мусулмонлар Каъбани тавоф қилиши бунга мисолдир. Аббосийлар даврида қора ранг рамз сифатида олинган.

Ярим ой ва беш қиррали юлдуз дунё бўйлаб кенг тарқалганига қарамай, ярим ой ислом рамзи ҳисобланмайди. Ушбу рамзни масжидлар гумбазининг энг юқори қисмига қўйиш тахминан 1000 йил олдин қўлланила бошланди. Мазкур тимсолдан фойдаланиш борасидаги диний кўрсатмалар ҳеч қаерда ва мусулмонларнинг ҳеч бир диний манбасида учрамайди.

Яна бир фикрга кўра мусулмонларнинг ой тақвимида фойдаланганликлари сабабли ярим ой тимсоли ислом динига рамз сифатида киритилган. Мусулмонларнинг ой тақвимида, яъни ҳижрий йил ҳисобидан фойдалана бошлаганлари ҳам ҳижратдан сўнг бўлганлиги тарихдан бизга маълум. Масжидлар гумбазлари тепасига ярим ой белгисининг қўйилиши эса XV асрда Усмонли турклар даврида пайдо бўлган. Султон Маҳмуд II 1453 йил Истамбул қамалидан сўнг ушбу белгини масжидларга қўйдирган дейилади.

Ярим ойнинг масжидлар гумбазида ўрнатилиши борасида икки хил фикр бор. Биринчиси, мусулмонлар қамарий тақвимида фойдаланишларидан келиб чиққан дейилса, иккинчисида, минора ва гумбазлар устидаги ярим ой белгиси мусулмонларга қибланинг қайси тарафда жойлашганини аниқлаш учун хизмат қилган, дейилади. Чунки қадимда узоқ масофада бўлган, жамоат намозига етиб бориш имконияти бўлмаган мусулмон турган жойидан қиблани аниқлаб, имконияти бор жойда қиблага юзланган ҳолда намоз ўқиган.

Мазкур белгининг келиб чиқиши масаласида ҳам олимлар томонидан икки хил фикр билдирилади:

Биринчи фикрга кўра, ой ва юлдуз рамзининг амалга киритилиши Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳижратлари билан боғлиқ. Улар ҳижрат қилган кечада осмонда худди шундай ой балқиб турган бўлган. Беш қиррали юлдузнинг ҳар бир қирраси исломнинг беш фарзини акс эттиради.

Иккинчи фикр тарафдорлари эса, мазкур белгини XV асрда Усмонли турклар даврида пайдо бўлган, дейишади. Султон Маҳмуд II 1453 йил Истамбул қамали пайтида осмонда худди шу рамздаги тарзда турган ой ва юлдузни кўради. У бунга яхшилик белгиси деб ўйлайди. Шу куннинг эртасига турк қўшинлари шаҳарни эгаллайди. Ушбу воқеа сабабли мазкур тимсол ислом дини рамзи ҳисобланди, дейилади.

Умуман олганда, исломда шохсимон ой ёки юлдуз билан ярим ой бойлик ва юқори ҳукмронлик белгиси ҳамдир. Шунинг учун бу рамздаги ярим ой ва юлдуз бир қатор давлатлар, жумладан, Покистон, Тунис, Туркия, Жазоир, Мавритания, Сингапур ва Ўзбекистоннинг байроқларидан ўрин олганини кўриш мумкин.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, исломда диний рамз деган тушунчанинг ўзи йўқ. Тарихдаги қурилган масжидларда ҳам диний рамзлар бўлмаган. Чунки ислом аниқ дин бўлиб, рамз ва белгиларга ҳожат сезмайди. Бироқ, ислом динининг тарқалиши натижасида дин минтақанинг табиий иқлим шароити, аҳолисининг диний тасаввури, урф-одатлари, анъана ва маросимлари, халқнинг темпераменти ва менталитети каби миллий ва этник омиллар таъсирида жузъий ўзгаришларга дуч келади. Бунинг натижасида масжидлар янгича кўринишга эга бўлди. Жумладан, масжидлар гумбазининг турли рангларда бўлиши, устига ярим ой тимсолининг ўрнатилиши ҳамда миноралар қурилиши шулар жумласидан.